

А Ж Р И М

2024 йил ноябрь ойининг 20-куни жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, туман судининг судьяси А.Одиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Мирхалиловнинг котиблигида, Андижон туман прокурори ёрдамчиси Ф.Абдумаликов, Андижон туман ИИБ Пробация гуруҳи инспектори А.Жумабоевнинг иштирокида, Андижон тумани ИИБ томонидан маҳкум Насирдинов Хуршидбек Хамидулло ўғлига нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақидаги тақдимномаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб, тарафларни фикрини эшитиб қуйидагиларни,

А Н И Қ Л А Д И:

Насирдинов Хуршидбек Хамидулло ўғли (Nasirdinov Durbek Mamamatkarimovich), 1993 йил 14 декабрь куни Андижон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, муқаддам:

1). Самарқанд вилояти жиноят ишлари бўйича Нарпай туман судининг 2021 йил 29 октябрдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан 5 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

2). Навоий вилояти жиноят ишлари бўйича Кармана туман судининг 2021 йил 2 декабрдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 5 йил 8 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

3). Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Ўртачирчиқ туман судининг 2022 йил 17 августдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2022 йил 27 сентябрь кунги ажримига кўра ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандларига қайта малакаланиб, 5 йил 10 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси



тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 2023 йил 17 февралдаги ажримига мувофиқ ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 10 ой 18 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган. Андижон тумани, “Дўстлик” МФЙ, Узумбоғ кўчаси, 50-уйда яшайди.

Андижон тумани ички ишлар бўлими томонидан маҳкум Х.Насирдиновга Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Ўртачирчиқ туман судининг 2022 йил 17 августдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилиб, унга нисбатан ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми тартибида 6 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2022 йил 27 сентябрь кунги ажримига кўра ЖКнинг 169-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандларига қайта малакаланиб, 5 йил 10 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 2023 йил 17 февралдаги ажримига мувофиқ ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 3 йил 10 ой 18 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақининг 15 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилгани, маҳкум Х.Насирдинов Андижон тумани ИИО Пробация гуруҳи томонидан 2023 йил 27 февралда ҳисобга олиниб, жазо ўташ қонун-қоидалари билан ёзма равишда таништирилиб, ундан тилхат, тушунтириш хати олиниб, йиғма жилд юритилиб, жазо ўтаб келаётгани, 3 йил 10 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг учдан бир қисмидан кўпроғини ўтагани, яшаш жойидан ижобий тавсифланаётгани, маҳкум Х.Насирдинов содир этган қилмишидан қаттиқ пушаймонлиги ва ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олгани, юқоридагиларга кўра, маҳкум Х.Насирдиновга тайинланиб, ўталмай қолган 2 йил 1 ой 29 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўраб, тақдимнома киритилган.

Андижон тумани ИИБ Пробация гуруҳи инспектори А.Жумабоев, Х.Насирдинов жазони ўташни бошлагандан буён интизомий жазо олмани, яшаш жойидан ижобий тавсифлангани, меҳнатга виждонан ёндошиб, жамоат ишларида фаол экани ва бугунги кунга қадарлик жазони учдан бир қисмидан кўпроғини ўтаганини маълум қилди.

Суд, Андижон тумани ИИБ тақдимномаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар билан танишиб, прокурор ёрдамчиси Ф.Абдумаликов, Андижон тумани ИИБ Пробация гуруҳи инспектори А.Жумабоевнинг фикрини тинглаб, маҳкум Х.Насирдиновга жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 2023 йил 17 февралдаги ажримига мувофиқ алмаштирилган 3 йил 10 ой 18 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган 2 йил 1 ой 29 кундан Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасининг 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилишни лозим топди.



Шунингдек суд, маҳкумга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 9-қисмига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этган тақдирда унга нисбатан ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлигини тушунтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд, юқоридаги баён этилганларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва ЖПКнинг 423-моддасини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Андижон тумани ИИБ бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

Насирдинов Хуршидбек Хамидулло ўғли жиноят ишлари бўйича Пискент туман судининг 2023 йил 17 февралдаги ажримига мувофиқ алмаштирилган 3 йил 10 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг ўталмаган 2 йил 1 ой 29 кундан Ўзбекистон Республикаси ЖК 73-моддасининг 3-қисми “а” бандига асосан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Маҳкум Насирдинов Хуршидбек Хамидулло ўғли зиммасига яшаш ёки ишлаш жойи ўзгаргани ҳақида унинг хулқ атвори устидан назорат қилувчи органга хабар бериш мажбуриятлари юклатилсин.

Маҳкум Насирдинов Хуршидбек Хамидулло ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 9-қисмига кўра, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида янги жиноят содир этган тақдирда унга нисбатан ЖКнинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинланиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ажрим нусхаси ижро қилиш учун Андижон туман ИИБга юборилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб, шу суд орқали Андижон вилоят судига кассация тартибида хусусий шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи
Ажрим нусхаси аслига тўғри,
Туман судининг судьяси

ИМЗО

А.А.Одилов

А.А.Одилов

